

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ № 225 (10.530) 2005 ЙИЛ 17 НОЯБРЬ

ИТТИФОҚЧИЛИК — ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ОЛИЙ ДАРАЖАСИ

Яхши кўшничлик — ўзбекнинг қадимий анъанаси. Халқимиз азал-азалдан шодлиқни баҳам кўриб, мусибатни бирга енгиб келган. Бирор тўй-маърака, бирор тadbир кўни-кўшнисиз, маҳалла-кўйсиз ўтмайди.

Ўн беш йилдан буён мустақил ҳаёт кечириб келаётган Ўзбекистон давлати ҳам халқимизнинг ана шу қадим анъанасига мос сиёсат юритмоқда. Мамлакатимиз кўшничлик алоқаларини мустаҳкамлашга, дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан ёндашади. Бахтиёр дамларда қувонч улашиб, оғир дамларда елкадош бўлиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим тамойилларидан биридир. Президентимиз Ислам Каримовнинг 14-15 ноябрь кунларидаги Россияга расмий ташрифи яхши кўшничлик ва яқин ҳамкорлик анъаналарига асосланган ана шу сиёсатнинг хайрли ва қувончли самараси билан яқунланди. Москвада Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Мамлакатларимиз дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатларининг анъаналарига таянган ҳолда ўзаро ҳамкорликни энг ишончли, олий даражага кўтарди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ҳам, Россия ҳам илгари бирор давлат билан бундай ҳужжат тузмаган. Шуниси ҳам муҳими, Шартнома тенг ҳуқуқли, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида ишлаб чиқилган. Яъни, мазкур ҳужжат эски даврга қайтишни ҳам, бир давлатнинг иккинчисига қарам бўлишини ҳам мутлақо назарда тутмайди. Иккала давлат ҳам бир-бирининг ички ишларига сира аралашмайди.

Ислам Каримов Москва сафарига жўнаш олдидан Тошкент аэропортида журналистлар билан мулоқотида таъкидлаганидек, бугунги Ўзбекистон ҳам, бугунги Россия ҳам 10-15 йил олдинги давлатлар эмас. Замон гилдирагини ортага айлантириб, янги мустақил давлатларни ўзи танлаган мустақил йўлидан қайтариб бўлмайди. Ўзбекистон 15 йилдан буён ҳур яшаб, эркин ривожлана олишини, мустақил сиёсат юрита олишини дунёга кўрсатиб келмоқда. Россия эса империяпарастлик кайфиятидан халос бўлган, жамиятда демократия кадриятларини мустаҳкамлаётган давлатга айланган.

Иттифоқчилик муносабатлари деган атаманинг ўзиёқ Ўзбекистон — Россия муносабатларида қандай улкан тарихий ўзгариш рўй берганини кўрсатиб турибди. Мазкур Шартнома Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилибгина қолмайди, айнаи вақтда у улкан минтақавий ва халқаро аҳамиятга ҳам эгадир.

Иттифоқчи сўзининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда

томонлар Шартномада узоқ муддатли асосда иттифоқчилик муносабатларини қуриши ва ривожлантиришини таъкидлайди. Шартномага биноан томонлардан бирига бирор давлат ёки давлатлар гуруҳи томонидан тажовуз қилингудек бўлса, бунга иккала томонга қилинган тажовуз сифатида қаралади ва давлатларимиз БМТ Низомига мувофиқ ўзини коллектив мудофаа қилиш ҳуқуқидан фойдаланади. Бу бир томон иккинчи томонга ҳар томонлама, жумладан, ҳарбий жиҳатдан ҳам ёрдам кўрсатишини назарда тутди.

Тинчликка таҳдид соладиган, миллий хавфсизлик борасидаги манфаатларга даҳл қиладиган вазиятлар юзага келганда, Ўзбекистон ва Россия зудлик билан тегишли маслаҳатлашувлар механизмини ишга солиб, бундай вазиятларни бартараф этишнинг амалий чорасини кўради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Россия минтақавий ва халқаро миқёсда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда, низоларнинг олдини олиш ва можароларни бартараф этишда ҳамкорлик қилади. Халқаро террорчилик, экстремизм, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, наркотикларнинг ноқонуний айланиши, қурол-яроғ контрабандаси, трансмиллий уюшган жиноatchилик каби иллатларга қарши курашга қаратилган савий-ҳаракатларини мувофиқлаштириб боради.

Ўзбекистон ва Россиянинг ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқалари юксак даражада ривожланган. Шунинг хисобига олган ҳолда, томонлар қуролли қучларни ислоҳ қилиш ва замонвийлаштириш, жанговар тайёрлаганини ошириш, ҳарбий техника билан таъминлаш ҳамда ушбу соҳа бўйича томонларни қизиқтирган бошқа йўналишларда фаол ҳамкорликни давом эттиради.

Ислам Каримов таъкидлаганидек, Шартнома мамлакатларимизнинг мудофаа соҳасидаги манфаатларига хизмат қилиши билан чеklangмайди. Тўғри, халқимизда саломат ҳам, аликда ҳам тинчликни эсга олиш — азалий одат. Аммо шунинг ҳам унутмаслик керакки, тинчликни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масаласи нечоғли долзарб бўлса, савдо-иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик ҳам шунчалик муҳим. Тинчлик ва тараққиёт бир-биридан ажралмас тушунчалардир. Зеро, тинчлик, осойишталик, барқарорлик бор жойдагина тараққиёт, ривожланиш ҳам бўлади.

Давоми 2-бетда.

Хабар қилинганидек, Оқсаройда Президент Ислам Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Президент девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Куйида ушбу кенгаш йиғилишининг баёни эълон қилинмоқда.

Болалар спортини:

АСОСИЙ МАҚСАД — СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ

Ҳомийлик кенгаши таъкидлайдики, ўтган даврда Жамғарманинг асосий мақсад ва вазифаларига мувофиқ жисмоний ва маънавий соғлом авлодни шакллантиришга, фарзандларимиз онгига соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга муҳаббат туйғуларини сингдиришнинг муҳим шартли сифатида бугун мамлакатимизда оммавий болалар спортини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунда спорт — спорт учун эмас, спорт — саломатлик учун тамойилга амал қилинди.

Хисобот даврида 213 объект фойдаланишга топширилди, шундан 80 фойздан ортиги қишлоқ жойларида бунёд этилди. Анъанавий ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларида ташқари жойларда, асосан, қишлоқларда болалар иштирокига қўллаб-қўллаб спорт байрамлари ва тадбирлари ташкил этилди.

Шу билан бирга, айрим ҳудудларда болалар спортини инфратузилмаси етарлича самарали фаолият кўрсатмапти. Қишлоқ мактабларида жисмоний тарбия дарсларини ўқитиш сифати талабга жавоб бермайди. Буш ўринларни профессионал ўқитувчилар ва мураббийлар, биринчи навбатда, хотин-қиз ўқитувчи ва мураббийлар билан тўлдириб борасидаги аҳвол қониқарли эмас. Спорт машғулотлари ўтказиш жараёни тиббий назоратга олинмаган.

Болаларни, айниқса, қизларни спорт машғулотларига жалб этиш даражаси пастигича қолмоқда.

Давоми 2-бетда.

ПОЙТАХТНИНГ
Дар кўни
Янгиликлар, воқеалар

ҚУРГА

● **БУГУН** "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамиятининг "Халқаро почтамт" филиалида "Маънавият ва маърифат" марказининг Миробод туман бўлими ташаббуси билан "Аёл саломатлиги — миллат саломатлиги" мавзусида ўтказилган давра суҳбати Сихат-саломатлик йилига бағишланди.

● **БУГУН** Йўлдош Охунбобоев номидаги тиббиёт коллежида Бутунжаҳон ёшлар кўни муносабати билан "Маънавият ва маърифат" марказининг Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан уюштирилган тадбирда ўқувчилар, ўқитувчилар ҳамда таниқли бастакорлар иштирок этишди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги Аҳмадхон Назаров маҳалласида фаоллар ишти-

рокида "Ўз уйингни ўзинг асра" мавзусида ўтказилган давра суҳбати "Маънавият ва маърифат" марказининг Ҳамза туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги 63-мактабда "Маънавият ва маърифат" марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан "Гивандлик — аср вабоси" мавзусида уюштирилган давра суҳбати ва расмлар кўрик-танловида Гуломмахмуд Абдуллоев маҳалласи ёшлари иштирок этишди.

● **КЕЧА** Бектемир туман ҳокимлигида "Камолот" ЕИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан шаҳар туманларининг экология етакчиси, экология соҳа сардори ва "ЭКОСАН" клуби сардорлари иштирокида ўтказилган семинар атраф-муҳитни асрашнинг долзарб муаммоларига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

XVI сағоси

Барча мамбалардан олинган сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

- Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Парламентнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқаси" мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.
- 2006 йилда "Ўз ДЭУ-авто" кўшма корхонасида ишлаб чиқариш ҳамжамиятининг ортинчи муносабати билан яна 600 та янги ишчи ўринларини ташкил этиш мўлжалланмоқда.
- "Меҳр нури" жамғармаси кўмағида Самарқанд шаҳрида катта хайрия концерти уюштирилди. Ундан тушган маблағ вилоятдаги қандли диабет хасталиғи билан оғриган бемор болаларни даволатиш учун сарфланади.
- "Қорақалпоқтранс" ассоциацияси автокорхоналари томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 21,5 миллиондан ортиқ йўловчи, 4 миллион тоннадан ортиқ турли хил халқ ҳўжалиғи юкларини ташилди.
- Термиз шаҳрида "Сихат-саломатлик йили" давлат дастури доирасида вилоят ўқувчиларининг "Болалар ва сув" мавзусидаги экологик кўрик-фестивали бўлиб ўтди.

Жаҳонда

- Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Япония расмий ташрифи тўғрисида икки мамлакат маъмурияти ўзаро келишиб олишди. Ташриф шу йилнинг 20-22 ноябрь кунлари амалга оширилди.
- Африка тарихида илк бор давлатни аёл киши бошқариши мумкин. Зеро Нигериянинг собиқ молия вазирини Эллен Жонсон-Сирлиф президентлик сайловида овоз беришнинг иккинчи босқичида 60 фойзга яқин овоз олди. Ҳозирча фақат 90 фойз бюллетенлар ҳисоблаб чиқилганлиги сабабли натижа бир ҳафтадан кейин маълум бўлади.
- Венесуэла маъмурияти Мексика билан дипломатик алоқаларини бутунлай узийши мумкинлиги ҳақида маълум қилди.
- Франция шаҳарларидаги тартибсизликлар аста-секин камайиб бораётган бўлсада мамлакат маъмурияти ўтган ҳафтада эълон қилинган фавқулодда ҳолат мuddатини яна уч ойга узайтиришга қарор қилди.

Давоми. Боши 1-бетда.

Мажлисда Халқ таълими вазирлиги /Т.Жўраев/, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги /Р.Қосимов/, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги /А.Азизхўжаев/, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси /С.Иномова/, Республика «Маҳалла» жамғармаси /А.Гадойбоев/, Ўзбекистон ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати /Б.Убайдуллаев/га Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда, қишлоқ жойларида болалар спортини инфратузилмаси — спорт заллари, стадионлар ва бошқа спорт иншоотларининг самарали фойдаланиши, айниқса, уларнинг дарсдан ташқари пайтда фойдаланиши даражасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, қизларнинг спортга оммавий жалб этиши ва кам таъминланган оилаларга спорт кийимлари ва анжуманлари олишда ёрдам кўрсатиш бўйича чоралар тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси юклатилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги /Р.Қосимов/га 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мураббийларига бўлган эҳтиёжни инобатга олиб, маҳаллий аҳоли вакиллари — хотин-қизларга имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда университетлар, вилоятлардаги педагогика институтлари негизда спорт мутахассислигини бўйича қабулни кўпайтириш топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ҳокимларига маҳаллий аҳоли орасидан малакали мураббийлар ва жисмоний тарбия ўқитувчиларини, шу жумладан, педагог хотин-қизларни тайёрлаш мақсадида, тақдим этилган қабул режаси асосида, ҳар йили ёшларни танловдан ўтказиш ва Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, шунингдек, вилоятлардаги педагогика институтларига ўқишга юборишни ташкил этиш топширилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги /Ф.Назиров/, Халқ таълими вазирлиги /Т.Жўраев/ билан бир ой муддатда жисмоний тарбия билан шуғулланишнинг оқилона меъёрларни тизимини ишлаб чиқиш ва босқинча-босқин жорий этишни, спорт машғулотлари ўтказиладиган жойларда спорт билан шуғулланган болаларнинг соғлиғини ҳолатини назорат қилиб боришни таъминлаш юклатилди.

Бош вазир ўринбосари, иқтисодиёт вазири В.Голишевнинг Жамғарма 2005 йилги бюджети бажарилишининг бориши тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинди. Республика миқёсидаги ҳомийлар томонидан жорий йилда болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 12,5 миллиард сўм, жойлардаги ҳомийлар томонидан 9,6 миллиард сўм ва хорижий валютада 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ ажратилгани тасдиқланди. Тушумлар бўйича белгиланган кўрсаткичлар, уч ҳомий ташкилотдан ташқари, таъминланди.

2006 йилда миллий валютада республика миқёсидаги ҳомийлардан 15,6 миллиард сўм, худудий ҳомийлардан 11,3 миллиард сўм ва хорижий валютада 1,7 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ тушириш кутилмоқда.

Шу билан бирга, айрим республика ташкилотлари ҳомийлик маблағларини ажратиш бўйича прогноз кўрсаткичларини бажармади.

Бази ҳудудларда молиявий маблағларни шакллантириш бир маромда амалга оширилмапти, бу объектларни фойдаланишга топшириш ва спорт анжуманлари билан ўз вақтида жиҳозлаш муддатларини кечиктириб юбормоқда.

Мажлисда Самарқанд /М.Нурмуродов/, Тошкент /М.Кучичев/, Сирдарё /А.Жалолов/ вилоятлари ҳокимларига 2005 йилда болалар спортини ривожлантириш жамғармасига кўзда тутилган маблағларни ўз вақтида ўтказиш бўйича камчиликларга йўл қўйгани кўрсатиб ўтилди.

Жамғарманинг 2006 йилги бюджети даромад қисми прогноз кўрсаткичлари маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари В.Голишев, молия вазири С.Па-

ҳимовга бир ой муддатда Жамғарманинг 2006 йилги тушум ва харажатлари прогнозини Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури билан боғлиқ ҳолда шакллантиришни тугатлаш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этиш, Жамғарма бюджети даромад қисмини шакллантиришда кўзда тутилган барча манбалардан маблағлар, жумладан, тегишли ҳомийлардан валюта маблағларининг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлашга эътибор қаратиш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги /С.Раҳимов/га ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва болалар спортини иншоотлари қурилаётган объектларда смета маблағларининг сарфланиши устидан назоратни қўйиштириш, спорт объектлари қурилиши бўйича смета маблағлари ва харажатлари ошиб кетиши ҳолатларининг олдини олиш вазифаси юклатилди.

Болалар спортини:

АСОСИЙ МАҚСАД — СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ

Шу мақсадларда бир ой ичида Жамғарма бюджетининг харажатлар қисмини назорат қилиш бўйича доимий ишчи гуруҳ ташкил этилиши, доимий ишчи гуруҳи 2005 йил якуни ва 2006 йилнинг ҳар чораги бўйича Жамғарманинг худудий бўлиmlари фаолиятини текшириш ва бажарилган ишлар якунлари бўйича Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашига ахборот беришни таъминлаш белгиланди.

Таъкидлаш кераки, жорий йилнинг биринчи ярмида 101 объект 1022 миллион сўмлик спорт анжуманлари билан таъминланди. Йил охиригача 108 болалар спортини иншоотини 3967 миллион сўмлик спорт анжуманлари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

2005 йилнинг апрелида «Ўзэкспомерказ»да бўлиб ўтган кўргазма натижалари асосида умумлаштирилган тақрифларга мувофиқ Германиядан спорт гимнастикаси бўйича жаҳон андозаларига мос 27 турдаги жиҳоз намуна сифатида келтирилди.

2004 йилда болалар спортини иншоотларини жиҳозлаш учун хориждан 47 турдаги спорт анжуманлари олиб келинган эди. Бу йил республикамиз корхоналарида ушбу махсулотларнинг 31 турини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу тариха четдан келтириладиган бундай анжуманлар сони 16 тагача қисқарди.

Спорт анжуманларини ишлаб чиқаришдаги муайян силжиларга қарамай, бу борада ҳали жиддий камчиликлар бор. Масалан, айрим махсулотларнинг сифати паст ва тасдиқланган давлат андозаларига ҳамда санитария-гигиена нормаларига мос келмайди.

Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси /А.Очилов/га Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан ҳамкорликда фойдаланишга топширилган 108 болалар спортини объектини спорт анжуманлари билан жиҳозлаш ишларини жорий йилнинг охиригача якунига етказиш вазифаси юклатилди.

Иқтисодиёт вазирлиги /В.Голишев/ га Маданият ва спорт ишлари вазирлиги /А.Азизхўжаев/, Миллий олимпия қўмитаси /Р.Қўрбонов/, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси /А.Очилов/, Соғлиқни сақлаш вазирлиги /Ф.Назиров/ билан биргаликда кўйидаги вазифаларни бажариш топширилди:

бир ой муддатда спорт жиҳозларига оид хориж тажрибасини ва мавжуд номенклатурани ўрганиб чиқиш, болалар спортини иншоотларини жиҳозлаш учун зарур бўлган, давлат андозаларига ва санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган спорт анжуманларининг мақбул тўплами каталогини тузиш;

ишлаб чиқариш корхоналари, жумладан, Навоий кон-металлургия комбинати, Чкалов номидagi Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва мамлакатимизнинг бошқа йирик корхоналарига уларнинг техник ва технологик имкониятларига мувофиқ равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун спорт анжуманлари каталогини юборишнинг таъминлаш;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпани-

яси /А.Хўжаев/, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги /М.Ҳазратқўлов/ ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мавжуд ижтимоий таърибга оид мисолларни кенг тарғиб қилиш мақсадида республика миқёсида ва худудий даражада спорт анжуманлари ишлаб чиқарувчи мамлакатимиз корхоналари фаолияти тўғрисида туркум кўрсатув ва шарҳлар уюштириш тавсия этилди.

Вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ жойларида болалар спортини ривожлантириш бўйича бажарилган ишлар ҳақидаги ахборотлари маълумот учун қабул қилинди. Андижон ва Сурхондарё вилоятларида қурилаётган объектлар устидан зарур техник назорат ўрнатилмаганилиги оқибатида белгиланган қурилиш меъёрлари ва қоидалари бузилишига йўл қўйлаётганини кайд этилди. Шу билан бирга, Жамғарманинг худудий филиаллари раҳбарлари ўтказилган тендерлар натижалари бўйича тузилган шартномаларнинг ижроси устидан сифатли назоратни таъминлама япти, куриб битказилган объектларни худудий халқ таълими бўлиmlари балансига ўз вақтида ўтказиш чора-тад-

бирларини кўрмаяпти.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари томонидан қишлоқ жойларида болалар спортини ривожлантиришга, болаларни, айниқса, қизларни спортга жалб этишга етарлича эътибор берилмапти. Мавжуд болалар спортини базаларидан дарсдан ташқари вақтда фойдаланиш даражасини ошириш бўйича изчил иш олиб борилаётгани, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотларини ёш авлоднинг тарбиялашнинг муҳим омилли бўлган ушбу жараёнга жалб этиш бўйича қатъий чоралар қўрилмаётганини қайд этилди.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси /А.Очилов/, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси /А.Тўхтаев/, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари зиммасига қўйидаги вазифалар юкланди:

бир ой ичида 2006 йил учун манзилли дастурини ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритиш, шунингдек, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашни охирига етказиш;

2006 йилга мулжалланган объектларни фойдаланишга қабул қилишни кўзда тутиш тадбирларини ишлаб чиқиш, бунда уларнинг зарур спорт анжуманлари тўлиқ тўплами билан жиҳозланишини кўзда тутиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига қўйидаги масалалар бўйича шахсий жавобгарлик юклатилди:

2006 йилнинг манзилли дастурига киритилган объектлар бўйича тендер савдоларини ўтказиш, бунда пудратчи ташкилотларнинг моддий-техник базаси, иш таърибаси ва уларнинг молиявий барқарорлигига алоҳида эътибор қаратиш;

маҳаллий ҳомийлар томонидан болалар спортини объектларини қуриш ва реконструкция қилиш жараёнида намунавий лойиҳаларга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;

болалар спортини объектларини ихтиёрий ҳомийлар ҳисобидан ва уларнинг қучи ва ташаббуси билан назоратсиз қуриш ҳолларига йўл қўймаслик, жойларда белгиланган андозаларга риоя этилмаслик ва бундай объектлардан фойдаланиш нормаларини бузилишининг олдини олиш;

жойларда, айниқса, қишлоқ жойларида спорт иншоотларининг балансга ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш, уларни сақлаш ва самарали фойдаланиш учун белгиланган тартибда маблағ ажратиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси /Н.Хонов/ га ўн кун ичида Нукус шаҳридаги ёпиқ спорт манажи, Қарши шаҳридаги 20 миң томошабинга мулжалланган стадион қурилишини 2006 йилнинг биринчи чорагида якунлашни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни бевосита жойлар бориб ҳал этиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда белгиланган вазифаларнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юкланди.

ИТТИФОҚЧИЛИК — ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ОЛИЙ ДАРАЖАСИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Олий даражадаги келишувга мувофиқ, бир томон фуқаролари ва юридик шахсларининг иккинчи томон ҳудудидаги ҳуқуқларини таъминлаш ва манфаатларини ҳимоялашнинг, ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг самарали чоралари ишлаб чиқилади. Бунда товарлар, хизматлар, сармоя ва иш қучи бозорларини раванқ топтириш, солиқ, пул-кредит, валюта-молия, савдо ва боғжона борасида ўзаро келишилган сиёсат юритиш, сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш назарда тутилади. Ишбилармонлик фаолияти юритиши, ишлаб чиқаришни биргаликда ривожлантириш, ўзаро манфаатли иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун икки мамлакат хўжалик субъектлари қулай иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий шароит билан таъминланади.

Ўзбекистон ва Россия савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга йўл очиб мақсадида миллий ва халқаро транспорт инфратузилмаларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш, соҳага ташқи сармоя жалб этиш борасидаги ҳамкорлигини кенгайтиришга ҳам келишиб олди. Шунингдек, фан-техника, энергетика, молия, сармоя, банк, авиасоҳлик, коммуникация, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик янада ривожлантирилади.

Давлатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамкорлик халқларимизнинг ўзаро мулоқотлари билан мустаҳкамланади. Ижтимоий соҳадаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси такомиллаштирилади, фуқаролар ўртасидаги ҳавфсизлик кенгашилари, ташқи сиёсат, муҳофаза ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш маҳкамалари, бошқа вазирлик ва идоралар ўртасида мунтазам мулоқотлар таъминланади.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларнинг бугунги босқичи табиий жараён, ўзига ҳокимият, стратегик ҳамкорликнинг мантиқий давоми эканлигини кўрсатади. Президентимиз Санкт-Петербургда таъкидлаганидек, стратегик ҳамкорлик — амалда, лекин алоқаларни иттифоқчилик даражасига кўтариш имконияти ҳам мавжуд эди. Томонлар бу имкониятни вақтида ишга солиш ва ўзаро муносабатларни илгари мисли кўрилмаган даражага кўтаришга йўл очди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА Шарҳловчиси

ЎЗА

— Тадбиркорлар эркинлигини янада кенгроқ таъминлашга қаратилган бундай ҳужжатлар туфайли эндиликда уларнинг фаолиятига ҳеч ким ноқонуний аралаша олмайди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши янада мустаҳкамланди. Уларнинг фаолиятини асосис чеклаш ёки четдан ноқонуний аралашуларнинг йўлига қатъий тўсиқ қўйилди. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари эндиликда фақат суд орқали қўлланилади. Бу эса назорат органлари ходимларини ўзи ишига янада масъулият билан ёндошишни тақозо этади. Боиси улар текширув якуни бўйича тадбиркорга жарима қўллаш лозим бўлса, буни суд ҳукмига ҳавола этади. Барча ҳужжат ва далиллар суд томонидан ҳолис ва чуқур ўрганилиб, даъво асосли бўлсагина бу ҳақда қарор чиқарилади.

Тадбиркорлар томонидан тақдим этилган ҳисобот тизими тақомиллаштирилиб, уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, шунингдек, жавобгарлики қўллашнинг халқаро умумҳуқуқий принципларидан келиб чиққан ҳолда янги қоидалар жорий этилди.

Текширишлар сонининг янада қисқартирилиб, қатъий тартибга солинган эса тадбиркор эркинлигининг ҳақиқий кафолати бўлди. Бир сўз билан айтганда, барча хизмат кўрсатиш, назорат ва бошқа идораларнинг асосий фаолияти тадбиркорлар манфаатини қондиришга хизмат қилишга йўналтирилипти. Палатамиз ҳам тадбиркорлик, аввало, кичик бизнесни жадал ривожлантириш, ҳақиқий мулкдорлар қатлами шакллантириш, хусусий секторнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги роли ва аҳамиятини тубдан оширишга қўмақлашишда кенг қамровли ишларни амалга ошираётир. Бу борада зарур ҳуқуқий асослар яратилгани ишимизда кўл келмоқда.

Жумладан, Президентимизнинг 2004 йил 7 июлдаги «Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва 2004 йил декабрь ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги қонунда палатанинг ҳуқуқий мақоми ва ўрни, мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Бугунги кунда тадбиркорларимиз палатага ўзларининг яқин ва ишончли ҳамкори сифатида қараб, мутахассисларимизни текширувларда иштирок

этишини сўраб мурожаат этипти. Ходимларимиз эса текшириш жараёнида палатамиз аъзоларини ҳуқуқий жўлатдан қўллаб-қувватлашга интиляптилар.

Бир мисол. Пойтахтимиздаги «Супромед» илмий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари қисқа муддатли текшириш чоғида текширувчиларнинг қўполлиги, айрим хато ва камчиликларга йўл қўяётганини айтиб, палатага мурожаат қилди. Ходимларимиз вазият билан танишганларидан, у ерда бир неча қонун-

янада кенгайтириш, ўзаро соғлом рақобат муҳитини шакллантириш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Шу йилнинг ўтган даврида палата ҳузурдаги Бозор кўникмаларини ривожлантириш марказида тадбиркорлик соҳасида фаолият бошламоқчи бўлаётганларга тадбиркорлик сирларини ўргатиш, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ходимларининг малакасини оширишга қаратилган қўллаб-қувватлаш дастурлари ташкил этилди. Жумладан, 850 га яқин тадбиркорлик субъекти вакиллари бу ерда билим ва малакасини оширди.

Тадбиркорларнинг қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси билан ҳамкорликда илмий олиб борадиган «Хусусий бизнесда муваффақият сари» мавзусидаги ўқув дастури асосида 6,5 мингдан зиёд тадбиркор аёл ўз малакасини оширди. Бундан ташқари, минг нафарга яқин иш билан банд бўлмаган аёлга турли касб сирлари ўргатилди.

Жойлардаги касб-хўнар коллежлари биналари дарсдан кейин бўш қолиши инobatга олиниб, улардан унумли фойдаланишга қаратилган дастурлар ҳам ишлаб чиқилди. Иш билан банд бўлмаган аҳоли талаб-эhtiжидан келиб чиққан ҳолда, уларни фойдали касбга йўналтириш, тадбиркорлик сирларидан воқиф этиш ва иш билан таъминлаш ишлари ҳам ўз самарасини бермоқда. Қувонарлиси, уларнинг кўпчилиги ўз бизнесини дадил йўлга қўймоқда.

Тадбиркорликка оид ахборот-маслаҳат тизимининг жорий этилгани, халқаро алоқаларининг тобора ривожланиётгани ҳам соҳа ривожидан муҳим омил бўлмоқда. Ярмарка ва кўргазмаларнинг мунтазам ташкил этилаётгани маҳсулотларнинг ўзаро рақобат бозорини шакллантириб, сифати яхшиланishiга хизмат қилмоқда.

Яратилаётган бундай имкониятлар, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарали механизмининг амалда жорий этилгани иқтисодиётимизда муҳим ўрин тутувчи хусусий тармоқнинг изчил ривожланишига йўл очяпти. Зеро, тадбиркорлик ривожини мамлакатимиз ишлаб чиқариш салоҳиятининг янада ортишига, халқимиз турмуш даражасининг юксалишига хизмат қилади.

ЎА муҳбири
Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг жорий йилнинг июнь-октябрь ойларида қабул қилинган тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қарорлари иқтисодиётимиз ривожидан ўзига хос янги даврни бошлаб берди. Жумладан, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарлиги учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлар тадбиркорлар учун улкан имкониятлар яратиб, уларнинг йўлида учраётган айрим тўсиқларни бартараф этиш, фаолиятини янада жадал ривожлантиришда муҳим асқуриламал бўляпти.

ЎА муҳбири ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирларни амалга ошираётган ташкилотлардан бири — Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Дилмурод МИРЗАКАРИМОВ билан суҳбатлашди.

бузарликларга йўл қўйилганини аниқлашди. Текширувчилар орасида номлари буйруқда кўрсатилмаган шахслар ҳам бўлган. Улар, чиндан ҳам, тадбиркорга нисбатан қўпол муомалада бўлганлар.

Махсус гувоҳнома тақдим этилмаган, текширувга оид далолатнома тузилмаган. Текширувчилар палатамиз вакиллари «бу ердан олиб кетишни талаб қилиб, ҳатто ички ишлар ходимларига ҳам мурожаат қилишди.

Ушбу иш юзасидан палата ходимлари аниқлаган хато ва камчиликлар кўрсатилиб, Бош прокурорга мурожаат этилганидан сўнг корхонада текширув ўтказиш бекор қилинди. Боиси — текшириш жараёнида ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилса, ўша текширувнинг ўзи ҳам ноқонуний саналади.

— Қонунчиликда — палата аъзолари манфаатларини кўзлаб — судларга давлат божи тўламасдан судларга аризалари киритиш ҳуқуқи ҳам берилган. Бу ҳуқуқдан қай даражада фойдаланиляпти?

— Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида палатамиз томонидан судларга умумий қиймати 132 миллиард сўмликдан ортқ уч минга яқин даъво аризаси киритилди. Ҳозирга қадар уларнинг 18 миллиард сўмликка яқини қаноатлантирилди.

Даъво аризаларининг 115 миллиард сўмликка яқини кўриб чиқилляпти. 3,8 миллион АҚШ доллари ва 13,6 миллион евро микдордаги маблағ ҳам жавобгарлардан суд орқали ундириб олинди.

— Тадбиркорларимиз сафини

Анжуманлар

ИШБИЛАРМОН АЁЛ — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар ҳамда Юнусобод тумани Кенгашлари ташаббуси билан «Тадбиркор аёл — жамият таянчи» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Юртбошимизнинг жорий йилдаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги ҳамда «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларининг бевосита амалий ижросига бағишланган ушбу анжуманда Тошкент шаҳар савдо-саноат палатаси-

нинг юрист консультанти Наргиза Раҳимова, «Фунча-мед» хусусий клиникаси раҳбари Раъно Хожимухамедова, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия қўмитасининг хотин-қизлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Гулчехра Ҳабибулина ҳамда Тошкент шаҳар стандарт ва метрология бошқармаси бошлиғи Холида Бобохоновалар сўзга чиқиб, аёл ва унинг жамиятда тутган ўрни, тадбиркорлик со-

ҳасида иш бошляётганларга йўл-йўриқлар ва юқоридаги Фармонлар юзасидан атрофда фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинарда иштирок этган туманда фаолият юрляётган тадбиркор аёллар, маҳалла хотин-қизлар комиссиялари раисалари ва тадбиркорликни энди бошлаганлар мазкур икки Фармон юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

— Бугунги ўтказилляган се-

минарда 100 нафарга яқин хотин-қизлар иштирок этишиб, улар Фармонларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан танишдилар, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия қўмитасининг хотин-қизлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Гулчехра Ҳабибулина.

— «Тадбиркор аёл — жамият таянчи» мавзусидаги ушбу семинарнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, бугунги кунда юртимизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жабҳаларида хотин-қизларимизнинг ўрни ниҳоятда муҳимдир. Мақсадимиз шу каби семинар-йигилишларни нафақат биргина туман миқёсида, балки шаҳримизнинг барча жабҳаларида ўтказишдир.

Орзуғул РУСТАМОВА

Иқтисодиёт

МЕХНАТ ВА ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Бирор муваффақиятга эришиш учун изланиш, интилиш, машаққатли меҳнат ҳамда ташаббус даркорлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Тадбиркор аёл Нафиса Тошпўлатова ана шуларга амал қилади.

Яққасарой туманида фаолият юрляётган хусусий тадбиркор мана бир неча йиллардан буюн мева-сабзавотларни ўзи яратган технология ва дастаҳқа ёрдамида ваакўмсублимация йўли билан куритишни йўлга қўйди ҳамда уларни бежирим, қулай идишларга қадоклаб сотувга чиқармоқда.

— Биз танлаган усулда мева-сабзавотлар куритилганда, — дейди Нафиса Тошпўлатова, — биринчидан юртимизда этиштирилган мева-сабзавотлар ўзида дармондориларни тўла сақлаб қолади, шифобахшилиги билан ажркалиб туради. Шунингдек улар пишган даврда исроф бўлишининг олдини боради. Уларни қишда ҳам беамалол истеъмол қилиш мумкинлиги эса «Она-Нафиса» хусусий корхонамиз жамоаси ақлининг ғайратига яна ғайрат қўшмоқда...

Корхона цеҳида кўкталар-укроп, петрушка, селдерейларни, ҳўл мевалар, кўп дардларга даво ҳисобланган ошқовқни сублимация йўли билан куритиб, ҳар хил қадокланмоқда. Бундан ташқари, хусусий корхонада қўзиқорин этиштириш, уни маринад қилиш ҳамда сублимация орқали куритиш ҳам йўлга қўйилди.

Куритилган маҳсулотлар нафақат юртимизда, балки Хамдўстлик давлатларида ҳам харидоригир ҳисобланади.

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁ ҲИСОБИГА

Мирзо Улўғбек туманида фаолият юрляётган корхоналар орасида «Avitsenna-Agoma» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилляган маҳсулотлари билан алоҳида ўрин эгалляди.

Мазкур корхона яқинда ташкил этилган бўлиб, самарали «Septaksin» дезинфекция воситаларини бир қанча Хамдўстлик давлатлари — Россия, Украина, Белоруссия, Латвия, Литвада ҳам рўйхатдан ўтказиб, регистратсион гувоҳномаларга эга бўлишди. Бунга албатта, корхонанинг етакчи мутахассислари кўп йиллик изланишлари, машаққатли меҳнатлари туфайли эришилди.

— Мазкур препаратларимизнинг бугунги кунда 90 фоизи маҳаллий хом ашё ҳисобига тайёрланмоқда, — дейди корхона директори Иброҳим Турсунов. — Бир ярим ҳамда 20 литр сизимли идишларда қадокланган маҳсулотларимиз 50 йиллик кафолат — яроқлилик муддати билан ишлаб чиқарилмоқда, унинг нархи арзонлиги, кучли таъсир этиши, ишлатишда қулай ва оддийлиги, асосийси, сифати юқори эканлиги билан бошқа шу каби дезинфекция воситаларидан ажркалиб туради.

Ушбу восита умумий овқатланиш корхоналари, тиббиёт масканлари, маийш хизмат шохобчаларида кенг қўлланилмоқда.Этиборлиси, «Septaksin» воситасининг 1 литрлик эритмаси бир тонна сувага қўшиб ишлатилишдадир.

**Муқаддас
УМАРБЕКОВА**

Ишда

МАСЪУЛЛИК БЎЛСА...

Маҳалла — миллатнинг мустаҳкам кўрғони, адолату ҳаққонийликнинг ўлмас илдизи, яхши-ёмон кунларнинг елкадоши, суянчигидир. Шу ердаги на сен ором топасан, "Ўзимнинг маҳаллам" дея ғоз юрасан.



Шайхонтоҳур туманида жойлашган Ёқуб Зияев маҳалласига кириб келган киши беихтиёр оқорида айтиб ўтилган фикрлар бежиз эмаслиги га гувоҳ бўлиши табиий. Бу озода, сўлим, кадриятлар кадр топган масканда ҳамма нарса тартибли, режали. 3000га яқин аҳоли, 420 та хонадон, 714 та оила истиқомат қиладиган ушбу гўшада аллақачон кузги юмушлар бажариб қўйилган. Қуриган дараклар олиб ташланиб, ўрнига янги-янги қилган, шох-шабба, чиқиндилар чиқариб ташланиб, арик ва зовулар тозалаб қўйилган. 16 нафар кўча бошиқлари ўз зиммаларидаги масъулиятни ҳис қилиб тинчлик-осудалик, эшик қоқиб турган кишга тайёргарлик юмушларида аҳолига бошқош бўлмоқдалар.

инспекторлари билан яқин ҳамкорликлари сабаб жиноятчилик, турли оқимларга кириб қолиш, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик каби ҳолатларнинг олди олинмоқда.

Худудимизда жойлашган 320, 299-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари, ота-оналар билан мунтазам учрашувлар ўтказилади, катталарга хурмат, кичикларга иззат кўрсатилади, ибратли оила соҳиблари билан тарбиявий тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Маҳалламиздаги ҳар бир юмуш аҳоли билан бамаслаҳат, келишиб олиб борилаётганиги сабабли турли кўнгилсиз ҳодисалар, тушунмовчиликлар бўлмайди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳкам Хайдаров. — 12 нафар посбонимиз бор, уларга Тохир Тўйчиёв сардор. Уларнинг сайёҳаракатлари, профилактика

лик каби ҳолатларнинг олди олинмоқда. Худудимизда жойлашган 320, 299-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари, ота-оналар билан мунтазам учрашувлар ўтказилади, катталарга хурмат, кичикларга иззат кўрсатилади, ибратли оила соҳиблари билан тарбиявий тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Шунингдек, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга, уларнинг ўқишга кирган фарзандларига моддий ва маънавий ёрдам берилиб, имкон қадар ўзларини тутиб олишлари кўмаклашилмоқда. Хусусан, "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурида кўрсатиб ўтилган барча йўналишлар

Маҳаллада обрўли, зиёли бўлган Максуддин домланинг пешонасига битта ўғил битди. Унга яхши ниятлар билан Сирожиддин деб исм қўйдилар. Ўглини ҳам зиёли, илмли қилишга интиланган ота Сирожиддин мактабни битиргач, уни бир йиллик ўқитувчилар тайёрлайдиган курсга беради. Бир йилдан сўнг ўғил бу курсни битиргач, Фарғона вилояти, Бағдод туманидаги Бачқир қишлоғига ишга юборилади. У ерда икки йил ишлаб, ўқитувчилик фаолиятини энди гуркиратиш палласига кирганда уруш бошланди.

— Ёзга бориб, мактабдан таътил олиб, ота-онамни кўриб келаман, деган умидда эдим, — деб эслайди ўша кунлари Сирожиддин ота. — Бирок, поезд Тошкентда ҳам тўхтамади. Бу ёни урушнинг қора кунлари... Айтиб берсам, бир китобга ҳам сиемайди. Хуллас, Берлингача бориб, ғалабани кўлга киритиб, 1946 йилнинг август

тида уйга қайтдим. Уйимиз яқинидаги 90- мактабга ишга кириб, — а-ларга тил ва адабиётдан дарс бера бошладим. Кечқурун эса, Педагогика институтининг (ҳозирги Низомий номидаги Педагогика университети), кечки бўлимида ўқиб, 1953 йили уни ҳам битириб олдим. 1952 йили Марҳаматхон билан турмуш қурдик. Хуллас, аста-секин мақсадлар сари дадил интила бошладим. 1954 йилдан

шамиз, тортишамиз. Таълимга бирон янглик киритилаётган бўлса, муносабатимизни билдирмадим. — Ёш авлодга қандай тилакларингиз бор? — Мен ўзим ҳам ҳали ҳануз ўқиб-ўрганишдан тўхтаганим йўқ. Бўй қолдим, дегуна китоб ўқийман. Дунёни беэзаб турган нарса — илм, кўтариб турган нарса — илм. Илми йўқ одамгина осмон узок, ер қаттиқ деб ўтиради. Шундоқ экан, ёш тарбиячиларга маслаҳатим, болаларни уйингиздаги гул каби ўстиринг, парваришланг, шундай гул қандай чиройли очилиб, қандай роҳатбахш бўй таратади, шундай хурсанд бўлганингиздек, ўқувчиларингиз ҳам шундай оқибат кўрсатганларидега бир қарра амин бўласиз. Савоб иш қилган одамнинг у дунёси ҳам, бу дунёси ҳам ёруғ бўлади.

Зоир ТУРСУНОВ

ГУЛ КАБИ ПАРВАРИШЛАНГ

Кекса педагог, халқ маорифи аълочиси, меҳнат фахрийси Сирожиддин ота Максудов билан Республика таълим марказида танишиб қолдик. У кишининг ҳали ҳам ўзини тетик тутиши, ҳар қандай ишга ҳозир нозир тургани бизни ажаблантирди. Сирожиддин ота ҳозирда Юнусобод туманидаги "Матонат" маҳалласида "Нуроний" жамғармаси раиси эканлар. Маҳалла муаммоларини имкон қадар ечишга кўмаклашганларидан, бунинг устига у кишининг 83 ёшда эканликларини эшитиб, бир ҳайратимизга ўн ҳайрат қўшилди.

бушлаб эса, мактабга директорлик қила б... эдим. 8-, 239-, 70-мактабларда 35 йил директор бўлиб ишладим. Педагогик иш стажим 50 йил. Мактаб учун қўлимдан нима келса, қилдим. Ҳозир ҳам бекор ўтириш йўқ. Республика таълим марказида биз фахрий ўқитувчиларнинг ўз марказимиз бор. Хафтанинг ҳар сешанбасида халқ таълимига оид муаммо ва масалалар бўйича ўзаро фикрла-



Тўғилганда

ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИ — СОҒЛОМ ОИЛА ГАРОВИ

Ёшларнинг жисмонан соғлом бўлишлари кўмаклашиш ҳамда касб-хунарга йўналтириш мақсадида "Қамолот" ЁИХ Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан туман ҳудудидаги 49 та маҳаллаларда сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт йўналишларида тадбирлар ўтказилмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёшлар сони жами 39 590 нафарни ташкил этади. Шу кунгача маҳаллаларда ўтказилган кўча оммавий спорт ўйинларида 3108 нафар, сиёсий-ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича ўтказилган давра сўхбатларида 3487 нафар, тиббий патронажда жами 2984 нафар, "Уй бекаси" курсларида 15 нафар ёшлар қатнашди. Лойиҳада қатнашган жами ёшларнинг сони 12 258 нафарни ташкил этади.

Ушбу тадбирларни ўтказишда "Қамолот" ЁИХга туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, ички ишлар, прокуратура, соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, маданият ва спорт ишлари бўлими, болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими, ўқувчилар ижодиёти маркази ҳамда туманда жойлашган олий ўқув юртлари, академик лицей ва коллежлар ҳамкорлик қилмоқдалар.

Ёшларнинг жисмонан етук ва соғлом бўлиб ўсишлари кўмаклашиш, спортга бўлган қизиқишларини орттириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида "Қўча оммавий спорт" мусобақаларида шахмат-шашка, баскетбол, волейбол, арқондан сакраш, арқон тортиш, қувноқ

эстафета ўйинлари ўтказилмоқда. Шунингдек туман маҳаллаларида истиқомат қиладиган ёшлар ва ҳомилдор аёллар тиббий кўриқдан ўтказилди. "Гулбод", "Қамолот", Ибн Сино, "Бўстон", "Ипақчи", "Жар-арик", Маннон Уйғур, "Қохота" ва бошқа маҳаллаларнинг маслаҳатчилари ёшларни жалб этишда фаол иштирок эттиди. — "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман бўлими "Маҳалла умидлари" маркази томонидан маҳалла болаларининг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш ва улар орасида ҳуқуқбузарлик, диний экстремизм, гивёандлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларни жисмонан камол топтириш мақсадида Эски шаҳар ҳудудида жойлашган "Катта бот", "Сузукота", "Эшонгузар", "Янги шаҳар", "Гулбозор", "Зангиота" маҳаллаларида қатор тадбирлар ўтказилди, — дейди "Маҳалла умидлари" маркази раиси Шаҳноза Умархўжаева.

— Эски шаҳарда туғилиб ўсган машҳур инсонлар билан учрашувлар, "Тарихсиз келажак йўқ" мавзусида маҳалла тарихи ҳақидаги давра сўхбатлари орқали маҳаллаларда вояга етмаганлар ва ёшларни маъ-

навий фазилатлар, бой маданий меросимиз, тарихий аъёнларимиз, умминсоний кадриятларга ҳурмат. Ватанга муҳаббат, Истиқолот гоғларига садоқат руҳида тарбиялаш, мутафаккир, машҳур инсонлар ва аллома ҳамюртларимиз билан яқиндан таништириш, ахлоқийликнинг оддий, ҳаётий қоидалари бўлиши катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, оилادا бир-бирини эъзозлаш ва ардоқлаш каби фазилатларни доимий равишда шакллантириш каби хайрли мақсадлар қўзланган.

Яна бир ангиллик: "Қамолот" ЁИХ Шайхонтоҳур туман бўлимида фақатгина ёшлар эмас, балки катта ёшдаги маҳалла маслаҳатчилари ҳам компьютер курсларида таҳсил олиб, "Қамолот" ЁИХ туман бўлими томонидан сертификатларни олдилар.

Азиза МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: "Маҳалла умидлари" маркази томонидан ўтказилган тадбирлардан лавҳалар.

БИР ТҮЙ ҲАНГОМАСИ

Маҳаллада бир акам, Бизга гувоҳ, йил ҳакам. Бошлашлар иморат, Машиналар рапма-рат.

Юзлаб одам хизматда, Иш бошловчи иззатда. Ичар қуйиб кўк чойни Олсам дейди, ҳам ойни.

Бу қошона битди ҳам, Ҳайратланди кўп одам. Кўз-кўз бўлиб, чўзди бўй, Шу ҳовлида бўди тўй.

Машиналар дастидан, Йўл бекиди бошидан. Сиемай одам ҳовлига, Кетди чиқиб томига.

Қазо-қазо одамлар, Виқор билан қадамлар. Берсанг салом сен азар, Гўё унда қулоқ қар.

Бир-бирини танимас, Хатто дўстин кел демас, Хизматчида тайин йўқ, Кимдир кимга қилар дўқ.

Тўлиб кетган дастурхон, Бир одамга тўрт хил нон. Ҳасип, гўштилар лағанди, Исрофгарлик ҳар ёнда.

Чирпиладар қимизлар, Ётиб ичди семизлар, Шишалар ҳам, саф тортиди Кимдир кимга сўз қотди.

Хонандалар тўрт сафда

Қутар наобат албатта. Шишалар ҳам очилди, Долларлар кўп сочилди.

Ҳофизлар ҳам тинмайди, Юз сўмликни омайди. Футлар тўлди пулларга, Кўзи боқар қўлларга.

Тўймаган кўз тўймайди, Бундан ортиқ бўлмайди. Тўй бўлсин-у доимо, Диллар бўлсин мусалфафо.

Сафда турган шишалар. Кўринг энди иш бошлар, Чикди учиб пилла, Шикаст топди бир бола.

Учди сўнгга бир чойнак Чил-чил бўлди тош ойнак.

Отилдиқу шишалар, Сийди қанча идишалар. Кимни кимдир урмоқда Тўртта видео олмоқда.

Ётар ерда ошу нон, Кеалмади бир инсон. Худо буни кечирмас, Тўй қилувчи билса бас.

Тўй бўлсини доимо, Ҳалола берсин ризқини. Манманликка берилманг.

Ҳаром пулга керилманг. Билиб ёзди бу Улмас, Сўзлари ҳам лоф эмас. Ботган бўлса дилларга Нафи теғар бизларга.

Ўлмас НОРМАТОВ

II жаҳон уруши бутун дунё халқлари, мамлакатлар, миллионлаб одамларни ўз гирдобига тортиди. Ўзбек халқи ҳам бу муҳиди уруш азобидан четда қолмади. Сарҳумдонлик Мирсоат ака Мирсоупов бу вақтда эндигина 18 дан ошиб олий ўқув юртида ўқишни бошлаган вақтлари эди. Мирсоат ака ҳам кўпчилик қатори фронтга кетди.

САРХУМДОННИНГ САРДОРИ

Урушнинг азоб-ўқубатлари, қийинчиликлар Мирсоат акани тоблади. Кўз ўнгидидаги ўлим, дўстлардан ажраб қолиш, уйрақли кунлар, туллар, Ватан соғинчи юракларни ўртаб юборди.

1946 йили Мирсоат ака она шаҳри Тошкентга омон-эсон қайтиб келиб чет тиллар институтининг немис тили факультетига ўқишга кирди. Шу билан бирга 41-мактабнинг бошланғич синфида дарс ўта бошлади. Бу орада Мирсоат ака ўқиш тугагач, энди шу мактабда инглиз тили ўқитувчиси Аркадий Клеван ёнида немис тилидан сабоқ бера бошлади. У тиниб-тинчимас, бир парча ер бўлса нимадир экар, даракларни пайванд қилар, хуллас оилани тебратиш учун тинимсиз меҳнат қиларди. Тақдир тақазоси билан новвойлик ҳам, боғнолик ҳам қилди.

Йиллар ўтиб Мирсоат ака 7 қиз, бир ўғиллик бўлди. Ҳозир эса набирао-эвараларининг саноғи йўқ, Сергайрат ота-хон қариялар оромгоҳидаги ташландик ерда Мирхосил ака Каримов билан бирга меҳнат қилиб уни боғу бўстон, чаманзорга айлантириб юбордилар. Гарчи ҳозир Мирсоат ота Мирсоупов 88 ёшга кирган бўлса ҳам кетмонни ва тоққайчини қўлдан қўймайдилар. Улар экан узуллар, ёнғоқ, тут, ўриклардан кўни-кўшилар баҳраманд бўлмоқда. Отақони эъзозлаб, улардан ҳаётда ўрناق олмақдалар. Биз ҳам доимо маҳалла ишига камарбаста, қуяноқ Мирсоат отага узоқ умр, соғлиқ-саломатлик тилаб қоламиз.

Турсунхўжа МАҲМУДУЖАЕВ, халқ маорифи аълочиси

Марказлар фаолиятидан

ҲАЁТЙ ТАЖРИБАЛАРИ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

2002 йилнинг май ойидан бери Тошкент шаҳрида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раисида "Посбон" марказлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бу марказларнинг асосий вазифалари маҳаллалардаги "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари иш фаолиятини режа асосида ташкиллаштириш, туман ички ишлар бўлими раисининг билан ҳамкорликда сардор ва посбонларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ўқув-семинарлар ўтказиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли ташкилотларга тақлифлар киритиш, вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, улар орасида гивёандлик ва диний экстремизм каби иллатларнинг тарқалишининг олдини олишда ички ишлар идоралари ҳодимларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва шу ишлар билан шуғулланувчи бошқа ташкилотларга яқиндан ёрдам бериш ва ҳамкорликда фаолият кўрсатишдир.

Ушбу марказларга раҳбар этиб ички ишлар идораларида узоқ йиллар хизмат қилган, тажрибали, истеъфодаги ички ишлар таълимлари тайинланган эди. Бугунги кунда жуда тўғри йўл танланганини "Посбон" маркази раиси лавозимига тайинланган ҳодимлар ўзларининг ижобий ишлари билан исбот этмоқдалар. Истеъфодаги полковник М.Дехонов, подполковник И.Қузғибоев, подполковник Ж.Йулдошев каби 11 нафар фахрийлар туманларда, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари аъзолари томонидан фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш, вояга етмаганлар билан ишлаш, ТИИБ ҳисобидида турвчи вояга етмаганлар ва ноқбил оилаларда тушунтириш ишларини олиб боришда посбонлар фаолиятини оширишга ўзларининг амалий ёрдамларини кўрсатмоқдалар.

—Туман "Посбон" марказлари раҳбарларининг "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаларининг сардор ва посбонларининг туман ИИБ ҳодимлари билан ҳамкорлигини тўғри ташкил қилиш ва улар фаолиятини самарадорлигини ошириш, вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича кўрсатаётган амалий ёрдамларидан Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти, туман ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳодимлари ниҳоятда мамнуңдилар, — дейди "Қамолот" ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими қошидаги "Посбон" маркази раиси, истеъфодаги подполковник Муҳиддин Турсунбоев.

Чунки улар бугун қайсидир мактабда ёшлар билан тарбиявий йўналишда учрашувлар ўтказсалар, эртасига маҳаллада кўча оммавий спорт ўйинлари, индиги эса ТИИБ ҳисобидида турвчи вояга етмаганларни экспедицияга ёки ҳарбий спорт оромгоҳига жалб қилиш, гивёандлик ва диний экстремизмга қарши кураш бўйича учрашувлар ўтказиш тўғрисида бош котирдилар.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида туман ИИБлари ва "Посбон" марказлари раисларининг ташкилотчилигида посбонлар таркиби ва ИИБ ҳодимларининг ҳамкорлигида ўтказилган тадбирлар натижасида 940 та жиноят очилган, 20338 нафар фуқаролар содир этган ҳуқуқбузарликларни учун ички ишлар идораларига олиб келинган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, туманлар ҳудудларида ўтказиладиган барча тадбирларда посбонлар иштирокини таъминлаш ҳам "Посбон" марказлари раҳбарларининг ўрни қаттадир. Жумладан, туман ИИБ томонидан ҳудудларда паспорт қондаларига амал қилинишни назорат қилиш, туман ҳокимликлари ва маҳаллалар томонидан ўтказиладиган ободонлаштириш ишлари, коммунал тўловларни ундириш ва мудофаа бўлимига ҳарбий хизматта қақрилувчиларнинг келишини таъминлаш ишларига посбонларни жалб қилиш ҳам марказлар фаолият йўналишига кирди.

"Посбон" марказлари раҳбарлари ички ишлар идораларига хизматга лаёқатли номзодларни танахша ҳам ИИБларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Айни кунларда посбонлар таркибидан танланган 26 нафар номзоддан 12 нафари Ички ишлар бошқармаларида хизмат қилмоқдалар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, умрини юрт тивчилиги, фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлашда ишга бағишлаган инсонлар истеъфодаги чиксаларда, уларнинг 70 нафари "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари сардори, 44 нафари маҳалла оксоқоли бўлиб ишлаб келмоқдалар ва ўз билими, ҳаётий тажрибаларини ёшларга ўргатиш ва юрт тивчилигини таъминлашда ишда уларга, ўрناق ва маслаҳаттўй бўлишини ўз бурчлари деб билдилар.

Нодира НИЗАМОВА, "Бунёдкор" ёшлар телеклуби ходими

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

"Навбахор" маҳалласи Собир Раҳимов тумани ҳудудидаги Қорақамиш даҳасида жойлашган. Бу ерда 5 мингга яқин турли миллатга мансуб аҳоли 27 та кўпқаватли уйларида истиқомат қиладди. Аҳолининг кўпчилигини русий забон кишилар ташкил қиладди.

Бир йил илгари маҳалланинг идораси қўшни маҳалла ҳудудида 1 та хонада жойлашганди. Ҳозир эса маҳалламиз идораси 3 хонадан иборат, шинам бинода жойлашган ва ишлаш учун керакли шариотлар яратилган. Илгарилари маҳалладаги кўпқаватли уйланинг кўриниши яхши эмас эди. Ҳомийларнинг хайрли ишларидан албатта маҳалла аҳли хурсанд. Ҳозир маҳаллани айланиб чиқсангиз, аввалги тўкилиб кетган деворларни эмас, балки озода ва шинам уйлари кўрасиз.

Даракларнинг қуруқ шох-шаббаларини кесиб, шакл бериш ва оқлашда, экинларнинг тартибли бўлишида, йўлак олди майдончаларини тоза ва тартибли тутишда яхши ишлаган йўлакбошилларга коммунал тўловларда имтиёзлар берилмоқда.

Тўй-шоҳанларга келса, бизнинг даҳада "Қирқ тоғанинг қирқ ноғораси" сериалидаги каби муаммолар йўқ. Тўйлар бир кунда бўлиб ўтади. Ҳайит кунлари янги келин-куёвлар йўланмалар билан дам олгани юборилади. Осовишталани таъминлаш борасида ҳам маҳаллада бир қанча ишларни олиб бормоқ-

дамиз. Ўзбекистон Муслмонлари идораси, суд ва прокуратура ҳодимлари билан тез-тез учрашувлар уюштирилмоқда. Болалар ва ўсмирлар ўртасида XXI аср вабоси бўлмиш СПИД касаллиги ва гивёандликнинг олдини олишда мутахассислар билан сўхбатлари йўлга қўйилган. Апрель ойида эса, "Соғлом авлод учун" жамғармаси ва 53-поликлиника шифокорлари томонидан "Амбуланс" ташкил қилиниб, туркук ёшдаги аёллар бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

Аҳолининг маданий ҳордик чиқаришлари ҳам эътибор берилаяпти. Уларни янги кино-фильмлар, театр ва концертларга боришларини таъминлаймиз. Ёш таътили пайтида маҳаллада бир ойлик бепул инглиз тили курслари ташкил этилиб, 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларга ўргатилади. Шундай тарзда компьютер орқали инглиз тилини ўргатиш курсини ҳам ташкил қилмоқчимиз.

Муҳайё ЭШОНОВА, "Навбахор" маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича маслаҳатчиси

Бензин ўрнини босадиган ёнилгини ишлаш анчадан бери давом этиб келмоқда. Шу даврга қадар бензинга муқобил ёнилги сифатида электр токи, этил спирти, табиий газ, метанол ва бошқа элементлар мутахассислар синовидан ўтказилди. Тан олиб айтиш керакки, юқоридаги элементлар орасида камҳаржлиги, ҳар томонлама қулайлиги жиҳатидан газ аллахда хусусият ва имкониятларни намойён этди. Шаҳримиздаги "INTERMOBILGAZ" очиқ масъулияти чекланган жамияти айнан автомашиналарга баллонли газ ускуналарини ўрнатиш, газ қуйиш шохобчаларини монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш фаолияти билан шуғулланиди. Бизнинг "INTERMOBILGAZ" компанияси директорлар кенгаши раиси, инжисод фанлари номзоди Муртазо СУЛТОНОВ билан суҳбатимиз газ ёнилгисининг афзалликлари, экологик тозаллиги ва хавфсизлиги, шунингдек, "INTERMOBILGAZ" компаниясининг фаолияти хусусида кечди.

— Муртазо Султонович, суҳбатимизни автоуловларга ўрнатиладиган газ мосламаларининг ўзига хос афзалликларидан бошлаш.

— Газ мосламаларининг асосий омилларидан бири — газ маҳсулотларининг арзонлиги, экологик тозаллиги ва бензиндан кўп хусусиятлари билан устунлигидадир.

Дунёнинг барча мамлакатларида газ мосламаларини автоуловга ўрнатиш арзон нархда амалга оширилади. Газдан фойдаланиш натижасида машинанинг техник ҳолати яхшиланади, двигателнинг қуввати ошиб боради.

Автоуловга

газ мосламаси

ўрнатишнинг

асосий афзал-

ликларидан

бири унинг

тежамкорли-

ги дадир.

Хозирда бутун

жаҳон газнинг

арзонлигини

ва экологик

тоза ёнилги

эканлигини

тан олди. Қатор

мамлакатларда

газ ускуналари

билан жиҳозланган

машиналарнинг

ҳаражати бензин

билан юрган

машиналар ҳаражати

қараганда

бирмунча арзонга

тушаяпти. Газ

машинанинг

техникавий иш

жараёнларини

зўриқтирмаган

ҳолда, унинг

двигатели қувватини

кучайтиради ҳам.

Масалан, цилиндр

поршенлар гуруҳи

узук мuddат хизмат

қилади: газ цилиндри

нинг "девор"лари

моийни ювиб кетмайди,

ёнилгининг бир

маромда ёниши

учун унинг ҳар

олат яхши аралашуви

га қулай яратилади.

Мой ўз хоссасини

аста-секин йўқо-

тишини инobatга

оладиган бўлса,

уни алмаштириш

ҳоллари ҳам камроқ

бўлади. Газ қуюлмаси

деярли тўла ёниб,

поршенларда, клапан

ларда ва ёндриши

шағам (свеча)ларида

қуйиш ҳоллари бўлмайди;

поршенлар гуруҳи

ва тирсақли валлар

"юки" енгиллашади.

Натижада, двигатели

ҳам енгил ишлаб,

тебраниш ва силтаниш

ҳоллари сезилмайди.

Моторга тўғри иш

режими танланса,

"2-3 дБ" дан тарқай-

ган гувуэр шовқини

ҳам камайд.

Бу омилларнинг

ҳаммаси, пирова-

рида, ёнилгига сарф-

ланадиган мабла-

внинг икки баравар

кўпроқ тежаш,

двигателнинг хизмат

мuddатини 30-

40 фоиз, мой ва

шағамлариники 2

баравар узайтириш

имконини беради.

Табиийки, уларни

таъмирлашга

қатадиган ҳаражат

лари миқдорини

ҳам камайтиради.

Яна бир жиҳат:

баллонли газ ус-

Транспорт

"INTERMOBILGAZ" ХИЗМАТИНГИЗДА

гик меъёрларига тўла мос келади. Шунингдек, энергия манбаларидан оқилона фойдаланишда ҳамда нефть захираларини келажак авлодлар учун сақлашда ҳам газнинг аҳамияти бекиёс. Шунга қарамай автомобил ишқибозлари газлаштирилган автомобилларга хавфсиз нарзи билан қарашмоқда. Мана шу жиҳат газлаштирилган автомобиллар хавфли, деган тушунчани пайдо қилган.

Газнинг баллонда босим остида сақланиши дизель ва бензин ёнилгисига қараганда анчагина хавфли, деган фикрни уйғотади. Аслида эса бундай эмас. Газ баллонлар анча

хавфсиз ёнилғидир. Улар ёрилиш ёки портлаш хавфини келтириб чиқармайдиган даражада мустаҳкам қилиб ишланган. Газ баллонлари баланддан тушишда, ўқ отар қуролдан ўқ узилганда, юқори ҳароратларда, оловга ва кислотга чидамлилиги бўйича неча бор синовдан ўтказилган. Қоида бўйича баллонлар машинанинг шикастланиш хавфи кам бўлган жойларига ўрнатилади. Газ ёки бензин ҳавода фақатгина маълум ҳажмдагина юқори концентрацияда ёниши мумкин. Бензин 1,5 литр концентрацияда ёнади, ҳаракатланаётган автомобилда эса ённинг хавфи ҳолат вужудга келмайди. Бир неча ҳолатлардан мисол келтиришимиз мумкин. Газ келадиган йўналишнинг баллондан узилиши кузатиладиганда, газ баллонининг пачоқланиши каби портлашга олиб келувчи ҳолат кузатилмаган.

Шу ўринда Америка газ ассоциациясининг статистик маълумотларига эътиборни қаратсак. Газ ёнилгиси билан ишлайдиган 2400 автомобильдан 10 йил мобайнида мунтазам фойдаланилган. Улар жами 280 миллион километр йўл босган. Шу вақт давомида 1 360 та тўқнашув юз берган. Булардан 180 та ҳолатда автомобилнинг газ баллони жойлашган қисми шикастланган. Лекин бирор бир ҳолатда баллон шикастланмаган. Худди шундай бешта ҳолатда эса бензинли автомобилларнинг аланга олиши кузатилган.

— Газ баллонларини ўрнатиш учун қайси мосламани танлаган маъқул?

— Дарҳақиқат, сифатсиз газ баллон мосламаларидан фойдаланиш, газдан ёнилги сифатида фойдаланиш даражасининг пасайиб кетишига олиб келади. Масалан, анча кенг тарқалган Беларусда ишлаб чиқарилган газ баллон мосламаларида бир неча камчиликлар кўзга ташланапти. Новогрудский заводда ишлаб чиқариладиган баллонларга эса кўп миқдорда металл ва деталлар ишлатилади, бу газ баллон мосламасининг умумий ҳажмини катталаштириб юборади. Юқоридаги ҳолат мосламанинг нархини қимматлаштиради, сифати эса яхши томонга ўзгармайди. Энг яхши газ баллон мосламаси ишлаб чиқарувчилар орасида Голландия ва Италия фирмаларини эътироф этишимиз мумкин. Сифат жиҳатидан бир-биридан фарқ қилмасида, аммо Голландия махсу-

лоти Италияниқига қараганда қимматроқ. Умуман олганда, турли фирма маҳсулотлари бир-биридан кам фарқ қилади. Шунга қарамай билиб қуйиш керак бўлган баъзи ҳолатлар бор. Масалан, «ЛОВАТО» фирмасининг редукторлари 2литр гага бўлган двигателларда яхши ишлайди. Уларни катта ҳажмдаги моторлар билан ҳам ишлатиш мумкин. «Tartari», «Landi Renzo» юқори даражада самарадорлиги ва ишончилиги билан ажралаб туради. Лекин бугунги кунда газ баллон қурилмалари орасида савдо белгиси BRC Gas Equipment MTM (Италия) маҳсулотига тенг келадигани топилмапти. Ҳақиқатан ҳам, италияликлар томонидан ишлаб чиқарилган ушбу қурилма бошқа компания мосламаларига ҳар томонлама ўрнатилмади.

— Автомашинамига баллонли газ ускуналари ўрнатмоқчимиз дейлик. Бу борада каерга, қайси устахонага мурожаат қилган яхши?

—Сизга маслаҳат: «INTERMOBILGAZ» очиқ масъулияти чекланган жамияти автомашиналарга баллонли газ ускуналари ўрнатиш, газ қуйиш шохобчаларини монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш фаолияти билан шуғулланади. У—BRC, BRC Gaz Equipment (савдо маркаси —MTM srl(Италия) компаниясига қарали бўлиб, баллонли газ ускуналарини газ ускуналарини тезкор дилер-дир.

BriGaz Equipment тамгаси билан чиқарилган маҳсулотлар ўзининг юксак сифати ва кенг дилерлик тизими билан бутун жаҳонга таниқли, ISO 9001 стандартининг қатъий талаблари ва R—67 халқаро қоидалари нормаларига тўла жавоб беради. Бугунги кунда у ўз ускуналари ва бутловчи қисмларини Европанинг кўплаб мамлакатларига пешма-пеш етказиб бермоқда. Экологик хавфсизлик бўйича «ЕВРО-1», «ЕВРО-2» талабларига мос.

Хозир Тошкентда 13 та автомобилларга газ қуйиш шохобчаси ишлаб турибди.

Компания мижозлари сони Ўзбекистонда ҳам тораба кўпайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазириликлари, Ўзбекистон Давлат геология ва маъданли ресурслар қўмитаси, «Узсаноатқурилиш банк», «Ўзкимёсанот», Республика Миллий банки, «Узпахтасаноат» ассоциацияси, «Ўзбекиневест» экспорт-импорт сурғурта Миллий Компанияси, «Ўздаб-биркорбанк», Тошкент Давлат техника университети, «Асакабанк», «Кафолат» республика сурғурта компанияси, «Жаркўрғоннефтькайт-ишлаш» қўшма корхонаси, Тошкент вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти каби яна бир қанча банк, ўқув юртлари, ҳамда ташкилотлар, корхоналар шулар жумласидандир.

Автобилларга газ қуйиш шохобчаларидан фойдаланаётган фуқаролар эса кўпчиликни ташкил қилади. «INTERMOBILGAZ» компанияси ускуналарини профессионал даражада ўрнатиб бериш, автомашинани оригинал жиҳозлар (редуктор, электроника, газ баллонлари) билан қайта ускуналаш, газнинг 4 тур (компонент)да таҳлил қилувчи қисмлар «тести», аъло даражадаги техникавий хизмат, 6 ойлик кафолатни тақдир қилади.

Хуллас, компания кўпгина чет эл мамлакатларида аллақачон ўзини оқлаб, аҳоли ишончини қозониб улгурди. Демак, биз ҳам бу тажрибадан қанчалик тез ва самарали фойдалансак жамият ҳам шунчалик манфаат кўради. Газ баллон мосламаси — қулай, арзон, афзал, тежамкор ва экологик тозадир

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди

Шарқ дурдоналари



ЎН БИР НАСИХАТ

Ризоуддин ибн Фахриддин машхур олим ва фозил эди. Унинг ахлоқ-одоб ва тарбияга оид кўплаб асарлари бор. Шулардан бири—«Катталарга насиҳат» номи асарининг сўнгги қисми «Ўн бир насиҳат» деб номланади. Биз уни бир оз қисқартрилган ҳолда «оқшом»хонларга тақдим этаймиз.

Бричи насиҳат: бутун аъзоларингизни гуноҳ ишлардан сақланг, қайғу-алам келганда сабр қилинг. Инсоф адолатини ўзингизга раҳбар қилиб олинг. Ҳеч кимни ўзингизга душман қилманг. Жаммининг иззат ва ҳурматини бажо келтиринг. Пул, молу дунёингизни тежаб сарф этинг, исрофгарчиликка йўл қўйманг.

Одамларнинг кўнгилларини оғритманг. Кўп ўйланг, оз сўзланг. Нодон ва хиёнатчиларга сирингизни айтманг, улар билан кенгашманг. Олим ва фозилларга эргашинг. Мурувват аҳилларидан намуна олинг. Ташқи қиёфангиз ва кўнглингизни пок-соф тутинг. Ўз билганингизга таянманг, яқинларингизнинг маслаҳатлари билан иш қилинг. Қариндош-уруғларингизни зийрат қилиб, ҳолларидан хабар олиб туринг. Бировдан қардор бўлсангиз, ваъда қилган кўнглингизга дошқилинг. Қўнглингиздан келган хизматни ҳеч қимдан аяманг. Ҳар куни бошингизни ёстиққа қўйган вақтингизда кун бўйи қилган ишларингизни бирма-бир кўздан кечиринг, яхши иш қилган бўлсангиз, севининг, маъносиз ишларингиз бўлса, қайғуринг, тавба қилинг. Эртаси кунни нима ишлар қилишингизни яхшилаб ўйлаб бир қиррога қелинг, шу қарорингиз бўйича иш олиб бориңг. Қунар қилган ишларингизни кўрсатувчи дафтарлардир, бу дафтарларга ёмон ишлар ёзилмаслигига ғайрат қилинг.

Иккинчи насиҳат: дўст, душман орасида юз қизиртирадиган нарсаларни ишлашдан ҳазар қиланг, гўзал хулқли бўлиш билан шариф касб этинг. Тўғри йўлдан бир қарч ҳам айрилманг. Ёшда ўзингиздан катталарга иззат, ҳурмат, қичикларга шафқат ва марҳамат қилинг. Эзгулик уруғларини сочсангиз, саодат экинларини ўрасиз. Одобли, тарбияли одам билан ошна-оғайни бўлсангиз, мартабанингиз, даражангиз ошади, халқингиз ишончини қозонасиз. Адабсиз тарбиясизлар билан ошна бўлсангиз, улар сизни ўз йўлларига тортадилар, даражангиздан туширадилар, омонатларингизга хиёнат этадилар, сирларингизни фош қиладилар.

Қўнглирингиз билан яхши кун кечиринг, бир-бирингизнинг ҳолингиздан хабар олиб туринг, эзгулик қилинг, бир-бирингизни ёмонликдан қайтаринг. Ақлсиз нодонлар дўстликка ярамайди, улар билан бўлсангиз, ҳеч нарсага арзаймайдиган бўлмагурс нарсаларга аччиқлиб асабийлашманг. Одамларнинг фаиллат ва саодатларини қўролмай ҳасад ўттида ёнманг. Ҳасад виждонини роҳатсизлантиради, ҳасадчидан ҳамма нафратланади.

Қиъта:

Ҳасад олам аро хосидга басдир Ки, доим ғусса бирла ҳаммафасдир. Кишига гарчи ўт ёндирғусидир, Вале ул ўтда ўзин уруғсидир.

Мағбурлар

НАМУНАЛИ ХИЗМАТЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Масъулияти чекланган "Хак-сел" ўзбек-турк кўшма корхонасига қарашли "Тошкент — Палас" меҳмонхонаси ҳамшаҳарларимизга яхши таниш. Бу ерда узоқ-яқиндан келган меҳмонлар учун барча қулайликлар яратилган. Жаҳон андозаларига мос ва хос жиҳозланган меҳмонхона ҳамisha ташриф буюрувчилар хизматига ҳозир но-зир. Унинг катта-кичик ходимлари куну тун меҳмонларга намунали хизмат кўрсатиш иштиёқида елиб югуришади.

Меҳмонхонада тез-тез турли мавзуларга бағишланган йирик анжуманлар, йиғилишлар ҳам ўтказилиб турилади. Шундай тадбирлар чоғида унинг заллари, хоналари янада гажумлашиб кетади. Катта йиғинларда, умуман меҳмонларга намунали хизмат кўрсатган меҳмонхона ходимлари ой якунидаги рейтинг кўрсаткичига кўра баҳолашиб, Ғолибар маъмурият томонидан тақдирланиб, рағбатлантириб турилади.

Яқинда бу ерда шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Октябрь ойининг якуни бўйича яхши кўрсаткичларга эга бўлган ишчи ва хизматчиларга Фахрий ёрликлар ва пул мукофотлари топширилди. Мукофотга сазовор бўлганлар орасида меҳмонхона ошпази Елена Тянь ва бўёқчи Наталья Кузнецоваларнинг ҳам борлиги йиғилганларни ҳушуд этди. Маросимда иштирок этган меҳмонхона бош директори Абдулат-

тоҳ Абдуқодиров ва корхонанинг ижтимоий масалалар бўйича мувофиқлаштирувчиси Хотамжон Маҳкамовлар мукофотланганларни чин дилдан табриқлашди.

Маҳмуд ОРИПОВ
СУРАТЛАРДА: ошпаз Елена Тянь ва бўёқчи Наталья Кузнецоваларни кўриб турибсиз.

Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар.



Муффа олам ДИНОЗАВРЛАРНИНГ «БОШПАНАСИ»

Яқинда Гужарот штатининг Рахоло қишлоғи яқинида ҳинд олимлари динозаврларнинг яхши сақланган «бошпанаси»ни топдилар. «Коррент сайенс» журналининг хабарига кўра, ўша ерда—олти метрли оҳактош қатламнинг юқори қисмида ана шу баҳайбат ҳайвоннинг туҳуми топилган. Олимларнинг динозавр туҳумининг тошга айланган қолдиқларини тадқиқ этиш натижасида шундай хулосага келдилар: мазкур туҳумнинг пустилоғи одатдан ташқари қалин бўлгани учун динозавр боласи уни ёриб чиқмай ҳалок бўлган.

«ЕТИМ» ҚОЛГАН ФИЛЛАР КЎРИҚХОНАСИ

Шри-Ланка пойтахтидан 85 километр олинсада Гиннавел деган жойда нодир кўриқхона жойлашган. Бу ерда турли сабабларга кўра ўз «ота-она»ларидан айрилган, етим бўлиб қолган фил болалари парвариш қилинади. Ҳозир кўриқхонада 18 та фил боласи бўлиб, беш киши уларга қараб турибди. Филларни Шри-Ланка ўрмонзорларидан келтиришди.

Етим бўлиб қолган филларни парваришлаган бу нодир жой жаҳондаги шунга ўхшаш ягона кўриқхонадир. Усимлик овқатларини хали тановул қилишни билмайдиган фил болалари бу ердаги хизматчилар кўнига беҳ маҳал сўт билан боқмоқдалар. Агар жониворлар касаллигини колгудек бўлса сутта дорилар қўшиб ичирилади. Инсон назорати остида катта бўлаётган филлар улар лақабини айтиб чақирганда қарайди, унчалик қийин бўлмаган буйруқни бажаради. Филлар бир кунда икки марта Махао денгизига жўнатиб турилади. Бу ерда улар чўмилиради. Кўпал туристлар эса уларни учун ғоят қизиқарли бўлган бу лавҳаларни суратга олиб қолишга ошиқшади.

НОЁБ ЁН ДАФТАРЧА ТОПИЛАДИ

БОНН. Фридрих Энгельс меросидан ноёб топилма—ён дафтарча унинг Вуппертал шаҳридаги уй музейида намоён иш этилди.

Зарҳал нақш солинган қизил муқовали унча катта бўлмаган дафтарчани уй музей директори Михаэль Кирирм журналистларга хавола қилди. Унда Ф.Энгельс 14-15 ёшларида қалам, шунингдек акварель бўёқлар билан чизган расмлар бор. Саҳифаларидаги ёруққа тўтиб қўриладиган белгиларига қараб бу дафтарчани Фридрихнинг отаси 1813 йилда сотиб олганлиги ҳамда у ана шу дафтарчадан Австрия ва Швейцария орқали Италияга сафари тўғрисидаги ёзувлар учун фойдалангани аниқланди. Сўнгра, деди Кирирм, отаси дафтарчани Фридрихга берган.

"Радиодеталлар" дўкони ҳар қандай радиодеталлар, компьютерлар жамловчи электрон, аудио ва видео учлов асбобларини харид қилади ва сотади.
Телефон: 68-93-93

ТОШКЕНТ БИЛАН ПАРИЖНИ МУСИҚА БОҒЛАДИ

Тошкентда Франциянинг "Планетарий" электрон мусиқа гуруҳи ўзбекистонлик созандалар билан биргаликда концерт беришди. Мазкур тадбир Виктор Гюго номидаги француз маданият маркази, Дўстлик жамиятлари кенгаши ва Давлат филармонияси ташаббуси билан ўтказилди.

Бу концерт Ўзбекистон ва Франция музикачиларининг ижодий ҳамкорлиги намойиши бўлди десак муболаға бўлмас. Ижрочилар бир қараганда уйғунлаштириш қийин бўлган соз ва услубий йўналишларни бирлаштиришди.

"Планетарий" гуруҳи созандаси Ив Дормуа саксофон, кларнет, Родольф Бюрже электрогитара, самплер, Тошкент консерваторияси талабалари Олим Хўжаев доира, Жамол Авезов гижак, Шухрат Холхўжаев тамбур, Маъмур Зиёдов тор чалиб ҳамкорликда ижро этган музикаларни томошбинлар зўр диққат билан тинглашди.

Созандалар рок, жаз ва ўзбек фольклор кўй ва кўшиқларини маромига етказиб ижро этишди. Томошбинлар илк марта йиғирманчи аср «ижоди» бўлмиш компьютер воситасида гарб созлари билан ўзбек миллий чолғу асбоблари уйғунлигида ижро этилган куйларни тинглаш имкониятига эга бўлишди.

— Биринчи марта ўзбек куйларини тинлаган оғинада бу ажойиб лойиҳани амалга ошириш ғояси фикримга келган, — деди Ив Дормуа «Туркистон-пресс» мухбирига. — Менда ўзбек миллий торли чолғу асбобларининг нафис ва бетакорр оҳанглари катта таассурот қолдирди. Буларнинг ҳаммаси «Планетарий» гуруҳи куйларига яқин. Биз доимо гастроль сафарларида бўламыз. Гуруҳимиз билан Япония, Монтрёй Миллий театри, Мелузедаги жаз театри, Монреалда Авинонда, Nancy Jazz Pulsation каби фестивалларда иштирок этганмиз. Ёш ва умидли ўзбек созандалари билан ҳамкорликда ишлаш яна кўнгини ижодий ғояларнинг уғрилишига сабаб бўлди.

"Планетарий" гуруҳи аъзолари Самарқанд шаҳрида ҳам концерт беришди. Икки кун давомида хорижий ва мамлакатимиз созандалари ижодий жиҳатдан бир-бирларидан ўрганишди, яхлит бир ансамбль сифатида томошбинлар эътиборига молик бўлишди.

—Келажакда ҳамкорликдаги ижодимиз самарасидан парижлик музикасезварлар ҳам баҳраманд бўлишади деб умид қиламан, — деди Ив Дормуа сўхбат якунида.

«Туркистон-пресс»

Ёш авлоднинг ҳар томонлама билимли, етук, зукко бўлиб вояга етишлари йўлида "Қамолот" ЁИХ ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор.

"Қамолот"

ОИЛА — МУҚАДДАС ВАТАН

Кун икки Юнусобод туманидаги "Гулистон" маҳалласида "Қамолот" ЁИХ Юнусобод туман бўлими Кенгаши ҳамда "Маҳалла умидлари" маркази ҳамкорликларида "Оила — муқаддас Ватан" мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

"Оила фаровонлиги — миллат фаровонлиги" шиори остида ўтказилган ушбу тадбирда "Гулистон", "Шарқ ҳақиқати" Шариф Қозқобоев, Беруний ва "Исло-мобод" маҳаллаларида истиқомат қилаётган мустақил ҳаёт оstonасида турган ёш кизлар ҳамда маҳаллалар фаоллари иштирок этишди.

Шуниси эътиборлики, ёшларни, хусусан балоғат ёшидаги кизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш мақсадида уюштирилган ушбу тадбирда иштирок этган журналист Раҳима Шомансурова, "Шодлик" никоҳ уйи мутахассиси Сабоҳат Эшмонова ҳамда "Қамолот" ЁИХ Юнусобод туман

Кенгаши қошидаги "Маҳалла умидлари" маркази раҳбари Гулбаҳор Азимовалар оилада ўзаро муносабатларнинг психологик хусусиятлари, ота-онанинг ёшлар, хусусан кизлар олдидаги биз жамият олдидаги бурчи ҳақида тадбир катнашчиларига ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

— Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад, — дейди биз билан суҳбатда "Маҳалла умидлари" марказининг раҳбари Гулбаҳор Азимова, — оилаларда юз бераётган салбий оқибатларнинг олдини олиш ҳамда ёш кизларга ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашишдир. Таъкидлаш жоизки, ёш кизларнинг ҳали мустақил ҳаётга тайёр эмасликлари оқибатида арзимаган сабаб билан ёш келин-куёвларнинг ширин турмуши бузилади, норасида гўдақлар эса етим қолади. Баъзида

катталар ҳам ёшларни тушунмайди, уларнинг қизиқишлари нимадан иборат эканлигини, ёшларнинг онгида, дунёқарашида қандай ўзгаришлар рўй бераётганини англашга ҳаракат ҳам қилишмайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ёш келинчаларда ушбу турфа камқонлик касаллиги туфайли қайнона-келин ўртасида ўз берадиган келишмовчиликлар ҳам ёш оилаларнинг завол топишига сабаб бўлаяпти.

Ўзаро мулоқот, қизиқарли баҳс-мунозара тарзида кечган ушбу тадбирда ёшлар томонидан берилган барча саволларга мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди. Муҳими, ана шундай тадбирларни маҳаллаларда, олий ўқув юрталарида мактабларда тез-тез ўтказиб туриш лозимлиги давра суҳбати ташкилотчилари ва қатнашчилари томонидан таъкидлаб ўтилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

2005 — Соҳиб-саломатлик йили

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, кейинги йилларда дунёда қандли диабет хасталиги кўпайётгани кузатилаётир. Инсон айнан куч-қувватга тўлган даврида, яъни 40-60 ёшида бу касалликка чалиниши унинг меҳнатга лаёқати пасайиб, ҳатто ногирон бўлиб қолиши, баъзида бевақт ҳаётдан кўз юмишига ҳам сабаб бўлмоқда. Шу боис мазкур муаммонинг самарали ечимини топиш, касаллик келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида ҳар йили 14 ноябрь — Халқаро қандли диабетга қарши кураш кун и сифатида нишонланади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Эндокринология илмий-тежириниш институтида эндокринологиянинг долзарб муаммоларига бағишлаб ташкил этилган илмий-амалий анжуманда ана шу ҳақда гап борди. Унда илмий тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, олимлар, шифокорлар, талабалар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Анжуманда қандли диабетга ўз вақтида тўғри ташхис қўйиш, унинг ол-

дини олиш, даволашнинг замонавий усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш борасида тиббиёт фани эришаётган ютуқлар ва галдаги вазифалар хусусида фикрлашилди. Бу касалликка чалинган беморларнинг метаболик асоратларини даволашда қўлланганидан препаратлар, йод танқислигининг клиник жиҳатлари, нейрэндокринологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган маърузалар тинглан-ди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

Спорт

**ФУТБОЛ ШОУДА
ЖАНГОВАР
ДУРАНГ**

КЕЧА

«Пахтакор» марказий стадионига йирилган минглаб футбол мухлислари «Пахтакор» ҳамда собиқ иттифок терма жамоалари фахрийлари ўртасидаги қизиқарли ўртоқлик учрашувининг гувоҳи бўлишди.

Маълумки, 2006 йилда ўзбек футболни доврғини оламга ёйган «Пахтакор» жамоаси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги кенг нишонланади. Табиийки, Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда «Пахтакор» клуби раҳбарияти ушбу тантаналарга ҳозирданок тайёргарликни бошлаб юборишган. «Пахтакор» ҳамда собиқ иттифок терма жамоаси фахрийлари ўртасидаги футбол-шоу ана шу тантаналарнинг дебонаси деб қайд этилса мақсадга мувофиқ бўлади. Энди икки оғиз учрашув ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Қувончли томони шундаки, ушбу учрашувда иштирок этиш учун ўз вақтида мухлислар меҳрини қозongan маҳоратли чарм тўп усталари Юран, Гаврилов, Якубж, Пятницкий, Кечинов, Хидиятуллин, Ковач, Новиков ва Соловьёвлар Тошкентга келишди. Дарвоқе, собиқ пахтакорчи Азамат Абдураимов ва Андрей Якубжлар эса собиқ иттифок терма жамоаси таркибиди майдонга тушишди. Очигини айтганда, беллашув ниятда қизиқарли, мурасиз ва кескин вазиятларга, чиройли комбинацияларга бой кечди. Мухлислар эса футбол юлдузлари маҳоратидан баҳраманд бўлишди. Шиддатли курашлар остида ўтган ушбу бахс 3:3 ҳисобида якунланди. Мухлисларга лаззатли онларни ҳадя этган голларни «Пахтакор»дан Игорь Шквирин (2 та), Тўра Шоймардонов, собиқ иттифок терма жамоасидан Георгий Ярцев /пенальти/дан ҳамда Азамат Абдураимов /2 та/ йўллашга муваффақ бўлишди.

Беллашув якунлангач эса мутасаддилар шу куни майдонда энг яхши ўйнаган футболчилар деб пахтакорчилардан Игорь Шквирини, собиқ иттифок терма жамоасидан Георгий Ярцевни топилди.

(Ўз муҳбиримиз)

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирзохид Содиқовга волидаи муҳтарамаси **МАНВУДАХОН АЯНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари бирлашмаси Кенгаши ва тармоқ касабаси уюшмалари шаҳар ташкилотлари жамоалари Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирзохид Содиқовга волидаи муҳтарамаси **МАНВУДАХОН АЯНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



Болалар спорти

**ЗАМОНАВИЙ ВА ҲАР
ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙ
СПОРТ МАЖМУИ ҚАД РОСТЛАДИ**

Кейинги йилларда Республикамизда болалар спортини ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини тақомиллаштириш, истеъдодли ёшларнинг спорт турлари билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича қатор тадбир ва амалий ишлар бажарилмоқда.

Куни кеча Шайхонтоҳур туманида ана шундай хайрли мақсадлар йўлида қад ростлаган «Белтепа» болалар спорт мажмуининг очилиш маросими катта тантанга айланиб кетди. Байрамонга безатилган спорт мажмуида карнай-сурнай наволари янграб туман аҳолиси, маҳалла оқсоқолию ўқувчи-ёшларни ўз бағрига чорлади.

Тантана иштирокчилари мажмуа билан танишар эканлар ёшларнинг спортнинг бокс, таэквондо, кураш, волейбол, футбол ва бошқа турлари бўйича кўргазмалар чикишларини куриб болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларимиз беҳудага кетмаётганига гувоҳ бўлдилар. Айтиб ўтиш жоизки, спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, мини футбол, кўла тўпи, кураш, бадийи ва спорт гимнастикаси каби 13-

15 та турлари билан шуғулланиш имкони яратилган ушбу мажмуанинг курилиши учун 930 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунинг 570 миллиони Тошкент шаҳар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига тўғри келган бўлса, қолган маблағ Тошкент шаҳар ва туман ҳокимлиги, бошқа ҳомий ташкилотлар томонидан таъминланди. Шунингдек, ушбу спорт секцияларида бир кунда 350-400 нафар болажонларнинг спортнинг ўзлари хоҳлаган турлари бўйича шуғулланишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

— Спорт мажмуининг маҳалламизда қад ростлагани нафақат спортсевар ёшларнинг, балки биз катталарнинг ҳам кўнглимизни қўтариб юборди, — дейди биз билан суҳбатда «Янги-Белтепа» маҳалла

фуқаролар йиғини раиси Тўра Умаров. — Сабаби, жасмонан соғлом, бақувват, баркамол авлодни воғга етказиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз билан ҳамоҳанг бўлган ушбу спорт комплексида юртимиз доврғини океанлар оша, бутун дунёга танитувчи янги-янги чемпионлар, ўзбегининг Алпомишлари етишиб чиқса ажаб эмас.

Ҳа, бугун ушбу гўшага қадам ранжида қилган ҳар бир юртдошимизнинг қалбидан куни кеча Оксаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилидаги Юртбошимиз Исрол Каримовнинг: «Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузишдан асосий мақсад — истиқлолнинг илк йилларидаёқ белгилаб олинган буюк мақсад-муддаоларимизга, кураётган жамиятимизга муносиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашдир» деган сўзлари ўтди десак муболага бўлмайд.

Спорт мажмуининг очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев иштирок этди.

**ШОИРА МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: «Белтепа» болалар спорт мажмуининг очилиш маросимида лавҳалар.**

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

“01”

ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАНГ

Кундалик ҳаётимизни «занғори олов»сиз тасаввур этиш қийин. У энг қулай ёқилги сифатида турмушимизда кенг қўлланилади. Ана шу ёқилгидан тўғри фойдаланиш, хавфсизлик қондаларига қатъий амал қилиш ёнган хавфсизлигини таъминлайди. Ақс ҳолда озгина эътиборсизлик оқибатида чиққан ёнган оилага, давлатга катта моддий зарар етказиши мумкин.

Газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўриси йилига камида бир марта тазаланиши лозим. Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, ёш болаларнинг гўгурт билан ўйнашига бепарво қараш ёнғини келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан бири саналади. Учкун текканда ёниб кетадиган айрим нарсалар борки, уларни печкалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас.

Лак, бўёқлар, мебеллар, синтетик кийимлар шулар сирасига киради.

Ҳозир кўп қўлланиладиган кимёвий моддалар, уй жиҳозлари, каучук ва пластмассадан ясалган турли буюмлар тез ёнишидан ташқари ўзидан кўплаб зарарли моддалар ҳам ажратиб чиқаради. Тутун таркибиди ҳавога кўтариладиган кислоталар, углеводлар, оксидланган азот, захарли газ хонадон эгалари ҳаётини хавф остида қолдиради. Турар жой биноси томларида хашак, ўтин ва бошқа тез ёнувчи нарсалар сақлаш қатъий тақиқланади. Газ печкаларини уч соатдан ортқ узлуқсиз ёқиб қўйиш мумкин эмас. Бу кўрсатмаларга барча риоя қилиши шарт.

Олов — тилсиз ёв, дейдилар. Хонадонларда, жамоат жойларида ёнғинга қарши барча эҳтиёт чоралари куриб қўйилиши зурур. Хуллас, ёнган чиқишининг олдини олиш, ана шу офат келтирувчи ҳодисага қарши кураш қондаларига риоя қилиш, газдан, электр асбобларидан тўғри ва хушёрлик билан фойдаланиш зарур. Шундагина биз кўнгилсиз ҳодиса юз бериши, оила ва давлатнинг моддий зарар қўришига барҳам берган бўлаемиз.

НОЗИМ ХУҲАЕВ

Мирзо Улуғбек тумани Ички ишлар бошқармаси ёнган хавфсизлиги бўлими бошлиғи, майор

Мунажжим башорати

**МОДДИЙ
АҲВОЛИНГИЗ
ЯХШИЛАНАДИ**

18 НОЯБРЬ, ЖУМА

Мунажжимларимиз таъбирига кўра бугунги ҳаракатларингиз самарали бўлиб, моддий аҳволингиз яхшиланиши эҳтимоли кучли. Шунингдек, касб-корингиз ва бошқа соҳаларда ҳам сизга омад ёр бўлиши мумкин.

Бугунги кун саёҳатлар ва сафарлар учун, ахборотларни ўзлаштириш, интеллектуал меҳнат учун айниқса қулай ҳисобланади. Қатъий режа асосида яшаш ва аниқ белгилаб қўйилган кўрсатмаларга амал қилишга уринманг, ички туйғуларингиз ва кўнглингиз ундаганига ишонаверинг. Кунни ижода бағишланг, гўзалликка ошно бўлинг, мусика ва рассомчилик билан шуғуллангиз. Санъат кишиларига гайриоддий ғоялар ва илҳом париси кутилмаганда ташриф буюриши мумкин.

Куннинг аломатларига бугун эътиборли бўлиш керак. Зеро, улар кўп нарсдан сизни хабардор қилади. Масалан, турли ҳидлар сиз нималарга кўпроқ эътибор беришингиз кераклигини айтиб беради. Тузнинг тўкилиши саросималик ва жанжал-можароларга ишора, идишнинг синиши — хатолар ва нотўғри қадамлардан оғохлантириш бўлса, тўсатдан соатнинг тўхтаб қолиши

ёхуд қалитнинг синиши хасталиклар ва умуман нохушлиқлардан хабардор қилишдир.

Бу кеча кўриладиган тушлар унчалик аҳамиятга эга бўлмайд.

Олов ёки ёруқлик манбаини кўриш — яхшиликка.

Асабларингизни асраб-авайланг, қаттиқ чарчамасликка ҳаракат қилинг.

Оқ, олтинранг ва настиранг кийимлар бугунги кунингизни баяндайди. Қора ва қорамтир ранглардан воз кечинг.

БУГУН:

- муҳим ишни бошлаш;
 - мантқий тафаккур қобилиятингизни намоён этиш;
 - тижорат ва рекрутлик фирмалари вакиллари билан суҳбатда бўлиш;
 - маиший ва хизмат билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш;
 - машғулот тури ва хонадаги жиҳозларни ўзгартириш;
 - нималарнидир харид қилиш, сотиш ва алмашлар;
 - янги танишлар орттириш;
 - хордиқ чиқаришининг янги хилларини топши тавсия этилади.
- Шифокор ёзиб бермаган кучли таъсир этувчи дори-дармонларни қўллаш, спиртли ичимликларни ҳаддан ортқ истёмоқ қилиш, айника вена қон томирлари, овқат ҳазм қилиш аъзолари хасталиқларидан азият чека туриб, саломатлигингиз ёмонлашувига бепарво бўлишдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.



Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилми: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2495 нусхад босилди. Қўғаз бېғини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқиди.
Нашр кўрсатқичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарк» нашрийет-матбоа акциядорлик компанияси бошқармаси.
Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.